Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 52 (6. 841) ◉ 1989 йил 2 март, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

# Экономика: янгиланиш орқали юксалиш сари

## Н. Н. Слюньковнинг Ўзбекистонда бўлиши

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков 27 февралдан 1 мартгача Ўзбекистонда бўлган вақтида ишчилар, колхозчилар, олимлар, мутахассислар билан ўтказган суҳбатлари чоғида қайта қуришнинг бориши, одамларнинг уй-ташвишлари, қандай муаммолар ҳал этилиши кераклиги масалалари диққат марказида турди.

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ҳузурига қилинган дастлабки ташрифдаёқ учрашувларга амалий тус бахш этилди. КПСС Марказий Комитетининг секретари корхона конструкторларининг кейинги ишланмалари билан танишди, шунингдек коллектив ишидаги танг жойлар хусусида ўз мулоҳазаларини ўртоқлашди. Чопиқ тракторининг янги модели истиқболли, деди у, бироқ уни кўплаб ишлаб чиқара бошлаш учун бирлашмани реконструкциялаш, тубдан қайта жиҳозлаш ва пахтакор республикаларда ғоят зарур бўлган янада мукаммал техника ишлаб чиқаришга мослаштириш керак.

«Корхонангиз бундан ўн йил муқаддам қандай бўлганлигини эслайман, — деди Н. Н. Слюньков. — Ўша пайтдан буён кўп нарса яхшилик томон ўзгарди. Аммо бизнинг вазифамиз қолоқликни зўр ғайрат билан бартараф этиш, ўз истеъмолчиларимизнинг ҳам, чет эллардаги истеъмолчиларнинг ҳам энг юқори талабларига мос келадиган машиналарни яратишдан иборатдир. Сизлар халқ истеъмол молларини жуда хилма-хил ва юқори сифатли қилиб тайёрлаб бераётганингиз ҳам яхши».

Республика турмуши билан, унинг меҳнаткашларининг ишлари ҳамда юмушлари билан танишув Самарқанд шаҳри ва областида давом эттирилди. Биринчи учрашув «Электробитмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва мутахассислари билан ўтказилди. Суҳбат ҳам дарҳол амалий тус олди: ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалалари ўткир қилиб қўйилади. «Сизларнинг холодильникларингиз Ватанимиздаги энг яхши холодильниклар даражасидадир, — дейди Н. Н. Слюньков, — лекин сизлар бундан ҳам катта вазифани — жаҳонда «етакчилик» қилиш вазифасини олдингизга қўйсангиз бўлмайдими? Бизнинг баъзи раҳбарларимиз масалани: ўзгалардан ёмон ишлаётганимиз йўқ қабилида қўйишга одатланиб қолишган. Камдан-кам киши: биринчи бўламиз, бизга етиб олишларига йўл қўймаймиз, деб айтади».



СУРАТДА: Н. Н. Слюньковнинг В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлган пайти. А. ГОРОКРИК фотоси (ЎзТАГ).

Саноат зонаси посёлкасининг аҳолиси билан, бирлашманинг сменадан бўш ишчилари билан суҳбат рўй-рост бўлди. КПСС Марказий Комитетининг секретари қайта қуришнинг бориши билан боғлиқ саволларга жавоб қайтарди. Суҳбатда ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар: уй-жой, хизмат соҳаси, озиқ-овқат муаммолари кўтарилди. Самарқанд районидаги Энгельс номли ва «Москва» колхозларининг меҳнаткашлари билан учрашувлар вақтида мазкур хўжаликларнинг рентабеллик даражаси ҳамон пастлигича қолаётгани тўғрисида гапирилди. Ғоят муҳим социал вазифаларни ҳал этишдаги мушкулликлар шундан келиб чиқмоқда. Ижарачилар янгича ишлашда ўзларининг дастлабки қадамлари тўғрисида сўзлаб бердилар. КПСС Марказий Комитетининг секретари кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари фақат ҳосилдорлик ошганлигини, гўшт ва сут етиштириш кўпайганлигини ҳисоблашдан иборат қолоқ практикадан воз кечишмаган. Рентабелликни, булар қанчага тушаётгани тўғрисидаги ҳисоб-китобларни унутиб қўйишмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Ўзбекистонда бўлган охирги куни В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига борди. Бу коллективнинг ўз муаммолари оз эмас. Учрашув ва суҳбатлар чоғида меҳнатнинг илғор формаларини такомиллаштириш, ишловчилар билан улар оилаларининг турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш зарурлигига эътибор жалб қилинди.

«Лимонарий» колхоз-комбинатига борилди, бу ерда цитрус мевалар теплица шароитида бутун йил мобайнида етиштирилади. КПСС Марказий Комитетининг секретари мутахассислар билан суҳбатда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий академиги З. Фахриддинов, унинг издошларининг витамин ва микроэлементларга бой цитрус меваларнинг янги серҳосил навларини яратиш соҳасидаги илмий ҳамда селекция ишларига юксак баҳо берди.

Учрашув ва суҳбатлар вақтида меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, интернационал ва маънавий жиҳатдан тарбиялашнинг аҳволи, қайта қуриш шароитида партия-хўжалик кадрларининг иши масалалари кенг муҳокама қилинди.

Н. Н. Слюньков Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Марказий Комитет бўлимларининг мудирлари, республика Олий Совети ва Министрлар Советининг раҳбарлари, область партия комитетларининг биринчи секретарлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳамда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг раҳбарлари билан учрашди.

Ҳозир қайта қуришни чуқурлаштириш борасидаги барча ишлар КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига сайловолди мурожаатномасининг чуқур таъсири остида бажарилмоқда. Партиянинг ўткир, сафарбар этувчи сўзи революцион ўзгартишларни амалга оширишда фаол ҳаракатларга даъват этмоқда. Мурожаатнома коммунистларнинг, СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган барча кишиларнинг зиммасига катта масъулият юклайди. Ўзбекистон ССР партия-хўжалик активлари йиғилишининг қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзод КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Николай Никитович Слюньков билан учрашув чоғида ана шу гапларни таъкидладилар. Учрашув 1 март куни Тошкентда бўлиб ўтди.

Учрашувни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов очди.

Тошкент область Орджоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари Г. С. Миразимова, «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари Ю. И. Степаненко, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари О. Ёқубов, Қорақалпоғистон АССР Қораўзак районидаги «Маданият» совхозининг бригадири З. Пирназаров, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигирувчиси Н. И. Агапова, Навоий электрохимия заводининг директори Г. Н. Ян, Хоразм область Қўшкўпир районидаги Ҳ. Олимжон номли ўрта мактаб ўқитувчиси М. Раҳмонова, Бухоро область Қоракўл районидаги Ф. Хўжаев номли колхоз ижарачиси Ю. Маҳсумов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг республика ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш кенгаши раиси И. Искандаров, Сирдарё область Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг директори Н. Қаюмов республикада қайта қуриш жараёнлари ривожланиб бораётганлиги, турғунлик даври салбий оқибатлари бартараф этилаётганлиги тўғрисида гапирдилар. Нотиқлар совет халқларининг кўпгина синовлардан ўтган дўстлик ва қардошлигини мустаҳкамлашга, СССРдаги барча миллатлар ва элатларнинг муносабатларини уйғунлаштириш учун зарур бўлган барча ишларни қилишга даъват этдилар.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков нутқ сўзлади.

**(Н. Н. Слюньков нутқи газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).**

1 март куни Н. Н. Слюньков Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. Аэропортда уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари кузатиб қолдилар.

**И. НОВИКОВ,**
**С. ФЕНЮТИН,**
**ЎзТАГ махсус мухбирлари.**

---

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

# Масъулиятли дамлар

Сайлов мавсумида долзарб палла бошланди. Номзодлар билан сайловолди йиғилишлари бизнинг 598-Тошкент — Киров территориал сайлов округида ҳам муваффақиятли якунланди. Комиссиямиз аъзоларининг барча йиғилишлари қатъий план асосида ўтказилди. Бунда айниқса йиғилишга мутасадди бўлган кишиларнинг хизмати катта бўлди. Улар елиб-югуришиб ишлашди. Ён дафтарларидан ўрин олган тадбирларни ўз вақтида ўтказишга эришишди.

Жойларда сайлов участкалари тузилди. Уларга билимдон ва ишчан кишилар масъул этиб тайинланди. Участка комиссияси аъзолари корхона, ташкилот, муассаса ва турар жойларда кенг тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Шунингдек, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ҳам яхши якунланди. Меҳнаткашлар ўзларининг энг яхши ва ишончли кишилари номзодини депутатликка кўрсатишди. Очиғини айтганда, бу ишда кенг демократияга амал қилинди. Чинакам халқ хизматига садоқатли кишиларгагина овоз берилди.

Рўйхатга олинганлар орасида 2-троллейбус депосининг ҳайдовчиси Ҳайрулла Хусанович Рўзиев ҳам бор. Сайловолди йиғилишида 16 та номзоднинг программасини тинглашга тўғри келди. Номзодлар орасида Х. Рўзиевнинг таклиф ва мулоҳазалари, ўртага ташлаган муаммолари сайловчиларга маъқул бўлди. Шунинг учун ҳам унинг номзодини 234 киши қўллаб-қувватлади.

Хўш, номзоднинг ўзи ким? Нима сабабдан уни кўпчилик қўллаб-қувватламоқда? Ҳайрулла Хусанович оддий касб эгаси. У 30 йилдан бери троллейбус рулини бошқариб келади. Узоқ йиллик ҳалол хизмати туфайли элда эътибор топди. Мана у бугун ўз меҳнатининг самарасини кўрмоқда.

Рўйхатга олинган бошқа номзод ҳақида ҳам шундай илиқ сўзларни айтиш мумкин.

Комиссиямиз олдида навбатдаги ишлар турибди. Эндиги вазифа номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишдан иборат. Сайлов тўғрисидаги янги Қонунга биноан бу тадбирни ўтказиш юзасидан ҳам қатор янгиликлар жорий қилинган.

Хуллас сайлов кампаниясида энг масъулиятли дамлар бошланмоқда. Уни муваффақиятли ўтказиш эса кўп жиҳатдан округ сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, секретари ва қолаверса унинг аъзоларининг ишбилармон ва тадбиркорлигига боғлиқ.

**Т. МИРУСМОНОВА,**
**598-Тошкент—Киров территориал сайлов округи комиссиясининг секретари.**

---

# Самарали тадбирлар

**✦ «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг маҳсулот сифатини яхшилаш борасида кўраётган тадбирлари яхши самара бермоқда. Бунда реконструкция ишлари ҳам алоҳида ўрин тутади.**

**Бирлашмада бир кунда 78 минг сўмлик тўқимачилик-галантерея маҳсулотлари, 92 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари, шартнома бўйича 95 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилмоқда.**

**Бирлашманинг тўқимачилик участкаларида ишни шу кун талаблари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда.**

# Намуна бўлишяпти

**✦ Раҳмон Саидқосимов меҳнат қилаётган участкада турли хил металл конструкциялар учун қолиплар тайёрланади. Бу кўп меҳнат талаб қиладиган жараёндир. Айни пайтда ишчидан юксак маҳорат талаб этади.**

**Р. Саидқосимов корхонада биринчи бўлиб сифат ва тежамкорлик ташаббуси билан чиқди. Аъзам Рашидов, силлиқловчи Николай Патохонов, йўнувчи Валерий Риков сингари ўнлаб комсомол-ёшлар унинг ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлашди.**

**«Агропромстрой»га қарашли экспериментал-механика заводида ҳар қандай янгиликни қўллаб-қувватлаш ва жорий этиш анъана бўлиб қолган. Шу боисдан ҳам коллективнинг зафарлари бойиб бормоқда. Бунга бир мисол. Коллектив ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида планга қўшимча 48 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлди. Ҳозир ҳам зарбдор суръат давом этаяпти. Меҳнат беллашувида эса коммунистлар намуна кўрсатишаяпти.**

**Д. ОБЛАЕВ.**

# Тошкентда «Интермикро» кўргазмаси

28 февраль куни Тошкентда Совет—Австрия муштарак «Интермикро» корхонасининг кўргазмаси очилди.

Муштарак корхонанинг Австрия томони — «Просистем компьютер техник» фирмаси бу ерда микропроцессор қурилмаларини, оператив полиграфия воситаларини, лойиҳа ва конструкторлик ишларини автоматлаштириш системасини, ҳисоб техникасининг бошқа намуналарини намойиш қилмоқда.

— Биз Ўзбекистонда бизнес ишларини олиб бориш учун катта имкониятларни кўриб турибмиз, — деди кўргазманинг очилишида фирма президенти Ханс Хофер. — Бизнинг мақсадимиз фирманинг маҳсулотини намойиш этиш ва уни етказиб бериш тўғрисида савдо битимлари тузишдан иборатдир. Биз савдо-сотиқни валюта асосида ҳам, компенсация асосида ҳам юритишга тайёрмиз. Бартер (ўзаро ҳисоб-китоб) асосидаги битимлар учун товарларнинг тахминий рўйхатини тайёрлаб қўйдик, аммо истиқбол яна ҳам кенгроқдир: техникамиз эвазига юқори сифатли ва харидоргир ҳар қандай товарни сотиб олишга тайёрмиз.

Совет—Австрия муштарак «Интермикро» корхонасининг Ўрта Осиё филиали — Тошкентдаги кўргазманинг ташкилотчисидир. Корхона мутахассислари микропроцессорларни оталиқ йўли билан монтаж қилиб созлайдилар, программавий таъминлашни ишлаб чиқадилар ва тайёр программаларни етказиб берадилар, ҳисоб техникасини гарантияли ремонт қилиб, унга гарантияли ремонтдан кейин хизмат қиладилар, бўлажак ишлатувчиларни ўқитиш билан ҳам шуғулланадилар.

Ўзбекистонлик шериклар билан дастлабки савдо битимлари тузилди. Савдо министрлигининг корхоналари, «Средазгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисоб техникасининг харидори бўлишди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари П. М. Абдураҳмонов қатнашди.

**(ЎзТАГ).**



**«Ташхимсельмаш» заводининг токари Игорь Борисович Пак кунлик иш нормаларини ҳамиша ортиғи билан адо этиб, ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлмоқда.**

**Л. Панкратьева фотоси.**

---

# Н. К. КРУПСКАЯГА БАҒИШЛАНАДИ

1 март куни Низомий номли Тошкент педагогика институтида бўлган илмий-амалий конференция таниқли давлат ва партия арбоби, атоқли совет педагоги, В. И. Лениннинг дўсти ва сафдоши Н. К. Крупская туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланди. Кафедра мудири, СССР Педагогика фанлари академиясининг академиги С. Р. Ражабов Крупскаянинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида доклад қилди.

Н. К. Крупская мероси, айниқса бугун мактаб ислоҳоти шароитида, таълим-тарбияга ижодий ёндашувлар ривожлантирилаётган, таълим ва тарбия соҳасида бутун бир система шаклланаётган вақтда айниқса қимматли эканлиги таъкидланди. Шу муносабат билан Н. К. Крупскаянинг марксча-ленинча таълимотга асосланган ва ёш авлодни ғоявий-сиёсий жиҳатдан, меҳнатга муҳаббат руҳида ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга комплекс ёндашув зарурлигини тасдиқлайдиган, айниқса шу жараёнда педагог ролига алоҳида аҳамият берилган асарлари ҳозир ҳам мислсиз даражада долзарб эканлиги таъкидланди. У ўз мақолаларида болалар билан ишлашнинг педагогик негизлари, шакл ва усулларини аниқлаб берди, бунда мактаб ўқувчиларини интернационал, атеистик, эстетик руҳда тарбиялашнинг кўп жиҳатларига эътиборни қаратди.

Конференция қатнашчилари Н. К. Крупскаянинг педагогик меросини ўрганиш, мактабнинг бугунги амалий ишларида ундан ижодий фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ана шу ва бошқа масалалар юзасидан илмий ахборотларни ҳам тингладилар.

**(ЎзТАГ).**

# «ФОБОС»НИНГ ЯНГИ ТАСВИРИ

**УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 28 февраль. (ТАСС). «Фобос» планеталараро автомат станциясининг Марс атрофидаги парвози давом этмоқда. Планетанинг табиий ва сунъий йўлдошлари ҳаракати ўлчамларини бундан буён ҳам аниқлаш, уларнинг яқинлашувини таъминлайдиган навигация ҳисоб-китоблари учун қўшимча маълумотлар олиш мақсадида 28 февраль куни станцияга ўрнатилган телевидение аппаратлари ёрдамида «Фобос»ни кузатишнинг иккинчи сеанси ўтказилди. Бунда осмон жисми билан космик аппарат оралиғидаги масофа 320—440 километр бўлди. «Фобос»нинг 15 та тиниқ тасвири олинди, булардан «Фобос»нинг шакли ва рельефи тафсилотларини аниқлашда ҳам фойдаланилади.**

**Бир кун илгари, яъни 27 февраль куни суратга олиш объектларини яна ҳам аниқроқ «нишон»га олиш учун зарур бўлган планеталараро станция телевизион аппаратлари обдон созланди. Бу ўринда намуна манба сифатида Юпитердан фойдаланилди. Марсни суратга олиш йўли билан видеокомплекснинг ишлаши текширувдан ўтказилди.**

**Учишнинг илмий программасига мувофиқ биринчи март куни кузатиш орбитасидан Марс юзасининг иссиқлик физикаси хоссаларини тадқиқ қилиш учун навбатдаги сеанс ўтказилди.**

✦ «Фобос» автомат станциясининг тадқиқоти ҳақидаги мақолани газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз.

# СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Меҳнаткашларнинг дам олишлари ҳамда иш вақтидан оқилона фойдаланиш учун қулай шароит яратиш мақсадида СССР Министрлар Совети 1989 йилда дам олиш кунларини 6 май шанбадан 8 май душанбага ва 4 ноябрь шанбадан 6 ноябрь душанбага кўчиришга қарор қилди.

---

Бу ҳақда конференцияда гапирилган эди

# «Ютуқлар калити ўз қўлимизда»

### ЯНГИЧА ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТДА ИШЛАЁТГАН ТОШКЕНТ МАРМАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ИШЧИЛАРИ ШУНДАЙ ДЕЙИШМОҚДА

Янгича иқтисодий шароитнинг иккинчи моделига ўтиб ишлаш бирлашма коллективи учун ҳеч қандай муаммони келтириб чиқаргани йўқ. Лекин шунга қарамай, бирлашма иккинчи моделига ўтиб ишлаш учун шошмаётир. Сабаби — оддий, хўжалик ҳисоби учун зарур ҳисобланган моддий рағбатлантириш ва иш ҳақи фондлари ошиб кетибди.

Корхона мана бир неча йилдирки, мармар ишлаб чиқариш бўйича план-топшириқларини ортиғи билан бажариб келади. Барча йирик корхоналар қаторида хўжалик юритишнинг янги формасини қўллай бошлаганларида дастлабки натижалар ёмон бўлмади. Меҳнат интизоми янада яхшиланиб, хом ашёни тежаш, планларни бажаришга нисбатан муносабат ҳам кескин ўзгарди. Иқтисодий методнинг янгича ёндошуви билан фақат бирлашма раҳбар-коммунистларигина эмас, балки ишчиларни ҳам ўргатиб борилди. Аввало янгича шароитда ишлашнинг моҳияти амалда чуқур анализ қилинди.

— Янгича шароитнинг ички хўжалик ҳисобига ўтиш усули яхши қўл келди, — дейди бирлашма бош директори С. Абдукаримов. — Бир-бири билан технологик жиҳатдан боғлиқ бригадаларимизда ўзаро шартномалар тузиб чиқилди. Мазкур шартномага мувофиқ, маҳсулот етказиб бермаган ёки брак маҳсулот чиқишига йўл қўйган бригада зарар кўрган бригадага жарима тўлашга мажбур. Мавжуд 19 та бригаданинг ойлик кўрсаткичлари ошиб борди. 1988 йилнинг бошида моддий рағбатлантириш фонди 117 минг сўмни ташкил қилган бўлса, бу рақам йил давомида ўсиб 291 минг сўмга етди. Ундан 163 минг сўмни маданий-маиший объектлар қурилиши учун сарфладик. Иқтисодий ўқувни ишчиларимизга уқтириш жараёнида 100 минг сўм атрофида фойда оламиз, деб ваъда берган эдик. Кутилгандан ҳам зиёда бўлди. Яъни соф фойда миқдорини 291 минг сўмгача етказдик. Сентябрь ойидан бошлаб эса янги таърифга ўтилди. Натижада иш ҳақи фонди 609 минг сўмни ташкил этди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш плани 113,2 процент ўсди.

**— Бундай ютуқларга эришишнинг асосий омили нимада?**

— Чиқиндилардан унумли фойдаланяпмиз. Ҳозир бизда чиқиндининг номи қолган. Электр энергияси, хом ашёни тежашга алоҳида ўрин берилган. Юқорида ички хўжалик ҳисоби ҳақида гапирилди. Биргина шунинг ўзидан 140 минг сўм фойда олишга эришдик.

Корхонамиз қошида ташкил этилган махсус иқтисод мактабида бош директордан тортиб, касаба союз комитетининг раиси ҳам, бўлим ва цех бошлиқлари ҳам, комсомол етакчиси, оддий ишчилар ҳам ўқишмоқда.

**— Корхонангизда деярли барча соҳадаги кўрсаткичлар кескин ошибди. Қўлга киритилган бу ютуқларда ишчилар, коммунистларнинг роли катта, албатта. Улар тўғрисида, инсон омилини ошириш тўғрисида қандай ишлар қилиняпти. Ахир «Қарс икки қўлдан чиқади-ку!».**

— Тўғри, қаерда ишчи учун қулай шароит бўлса, у юксак унум билан ишлайди. Масалан, шу йил бирлашмамизда 4 қаватли, 300 кишига мўлжалланган маиший хизмат комплекси ишга туширилди. Умумий овқатланиш блокларини кенгайтирмоқчимиз. Яна ҳар бир цехда руҳий хордиқ чиқариш хоналари ишлаб турибди. Ишчиларимиз мунтазам равишда касаба союз ташкилоти томонидан санаторий, профилакторий ва туристик базаларга йўлланмалар билан таъминланиб борилади. Ёз пайтида эса геологлардан ижарага олган Бурчмулла дам олиш зонасида ишчиларимиз хордиқ чиқарадилар. Мана эртага 37 ишчимиз йўлланма билан Фрунзега саёҳат учун жўнаб кетади. Шунингдек, қайси ишчи меҳнат отпускасига чиқса унга ёрдам тариқасида 100-200 сўм миқдорида мукофот пули берилади. Бу ўз навбатида меҳнат интизомини яхшилашга, баракали меҳнат қилишга даъват этади. Яна бир қулайлик шу бўлдики, оталиғимиздаги колхоз билан шартнома тузгач, улар корхонамиз ишчиларини қишин-ёзин сабзавот ва мевалар билан таъминлайдиган бўлдилар. Жумладан, Калинин районидаги «XX партия съезди» колхози қишлоқ хўжалик маҳсулотларини узлуксиз келтириб турибди. Биз ҳам шартномага мувофиқ ғишт, плита каби зарур материалларда уларга ёрдам беряпмиз. XXVI Тошкент шаҳар партия конференциясида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни яхши йўлга қўйиш хусусида жиддий гаплар бўлган эди. Бизнинг алоқамиз ана шу программани бажаришга қаратилган.

**— Катта фойда олишга муяссар бўлаётган коллективингизда ишчиларнинг ўртача маоши 257 сўмни ташкил қилар экан, бу айтарли даражада юқори кўрсаткич эмас-ку! Эҳтимол сизга белгилаб берилаётган соф норматив планининг таъсиридандир?**

— Йўқ, албатта. Буни олдинги рақамлар билан ҳам қиёслаб кўриш мумкин. 1987 йилда ишчиларимизнинг ўртача маоши 207 сўмни, 1988 йил бошларида 221 сўмни ташкил қилди. Кўринадики, ўсиш жиҳатидан ўзгариш катта. Соф норматив плани хўжалик ҳисоби шароитида ҳеч қандай роль ўйнамайди. Очиғи, иккинчи моделга ўтишни биз учун деярли аҳамияти йўқ. Негаки, бу моделга асосан иш ҳақи фондидан қийналиб рағбатлантириш фондига эга бўлолмаётган корхоналар ўтади. Бизда ҳозир ҳар иккаласи ҳам мавжуд. Демак, навбатдаги моделга ўтиб ишласак, олаётган фойдамиз миқдори янада ошади.

Маълум бўладики, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва бошқариш методи мармарчиларнинг қўлига ютуқлар калитини тутқазибгина қолмай, янги зафарларни қозонишга ҳам замин тайёрлайди. Энди гап иккинчи моделнинг афзаллигини амалда яна бир бор намойиш этишда қолди.

**Ф. АСҚАРОВА.**

---

## Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари диққатига

**Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўнинчи сессияси шу йил 6 март куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.**

**Навбатдан ташқари ўнинчи сессияга келган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари 5 март куни соат 10 дан 19 га қадар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида рўйхатга олинадилар.**

